

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Жабборов Турғун

**13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёргарлик жараёнида сараланган
юкламаларни қўллаш услубияти**

Таълим йўналиши: 5810200 «Спорт» (спорт турлари бўйича)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди.
«Миллий ва халқаро кураш турлари
назарияси ва услубияти» кафедраси
муdiri Тастанов Н.А.
« ____ » _____ 2016 йил

Илмий раҳбар:
Тастанов Н.А.

ТОШКЕНТ 2016 й.

Мундарижа

Кириш.....	
I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ	
1.1. Курашчиларни тайёргарлик жараёнида юкламаларни қўллаш услубияти	
1.2. Белбоғли кураш билан шуғулланувчиларнинг махсус жисмоний сифатларни ҳаракатли ўйинлар ёрдамида ривожлантириш масалалари.....	
1.3. Белбоғли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича машғулот юкламалари ҳажмларини қайд қилиш	
II-БОБ. Тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, услуби ва ташкил қилиш.	
2.1.Тадқиқот мақсад ва вазифалари.....	
2.2. Тадқиқот услублари	
2.2.1. Илмий услубият адабиётларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.....	
2.2.2. Педагогик кузатиш.....	
2.2.3. Педагогик назорат синовлари	
2.2.4 Педагогик тажриба.....	
2.2.5. Етакчи спортчилар ва тренерлар билан интервью ҳамда анкета савол-жавобини ўтказиш	
2.2.6 Математик статистик усуллар:	
2.3. Тадқиқотларни ташкиллаштириш	
III-БОБ. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ	
3.1. 13-15 ёшли белбоғли курашчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш учун ҳаракатли ўринларидан фойдаланиш услубиятини ўрганиш натижалари	
Хулосалар	
Фойдаланилган адабиётлар:	

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қисқа тарихий йилларида асрларга тенг салмоқли ва зафарли йўлни босиб ўтди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, фан, техника, маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда эришган улкан ғалабалари билан жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди.

Тадқиқотнинг долзарблиги: Ҳозирги вақтда курашнинг жаҳон бўйлаб кенг оммалашиши, ушбу спорт тури билан кўп сонли ёшларнинг шуғулланиб келиши сабабли кураш тренировкасини бошқариш масалалари ўта долзарб ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал этиш тренировка жараёни воситалари ва услубларини самаралироқ тиклаш орқали эришилади.

Белбоғли кураш тренировкаси ва мусобақаси давомида амалга ошириладиган ҳаракат малакаларига ўргатиш ҳамда секин-аста шу малакаларни шакллантира бориш жараёнларини ўз ичига олади.

13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёрлашда муваффақиятга эришиш учун ёш курашчилар билан олиб бориладиган тренеровкани янги йўлларни излашлари, маънавий ва жисмоний кучларини етарли ривожлантириш учун ташаббус кўрсатишлари талаб этилади. Бу масалаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан 13-15 ёшли болаларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги дастлабки қисмларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. 13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёргарлик жараёнида сараланган юкламаларни қўллаш услубияти самарадор шакллари топиш.

Илмий ишнинг янгилиги. Ёш курашчиларнинг назарияси ва услубиятида биринчи марта 13-15 ёшли курашчилар билан ўтказиладиган ўқув-тدريبка жараёнларида курашчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш услубиятини асослаб берилди.

Тадқиқот объекти. 13-15 ёшли белбоғли курашчилар билан олиб бориладиган ўқув-тренеровкаларда махсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқот предмети. 13-15 ёшли белбоғли курашчилар билан олиб бориладиган ўқув-тренировкаи.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Фараз қилиндики, 13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёргарлик жараёнида сараланган юкламаларни қўллаш услубиятини асослаб бериш.

I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. Курашчиларни тайёргарлик жараёнида юкламаларни қўллаш услубияти

Янги авлодга таълим бериш ва тарбиялаш тараққиёти ҳар бир инсоннинг ҳар томонлама ва баркамол ривожланиши зарурлигини кўзда тутишни ҳисобга олиб давлатимиз мактаб ёшидаги ўқувчиларни маънавий ва жисмоний тарбиялаш керак бўлган жисмоний маданият ва спортни мана шу жараёнларга, албатта, киритилишига катта аҳамият беради.

13-15 ёшли белбоғли курашчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини тарбиялашнинг асосий вазифаларидан бири уларнинг соғликларини мустаҳкамлаш, жисмоний тайёргарликларини яхшилаш, касалланишни камайтириш ҳисобланади. Ҳаракатланиш эҳтиёжи зарур биологик эҳтиёжи бўлиб, ўқувчи организмийсиши ва ривожланиши муҳим омили ҳисобланади. Ҳаракатланиш ўқувчининг функционал имкониятлари ва иш бажариш қобилиятини белгилайди.

Ёшларни мактаб ёшиданоқ ҳаракатланиш фаолияти етарли эмаслиги, яъни гиподинамия (ортиқча вазнга эга бўлиш) кузатилишини аниқлади. Бу ўқувчилар соғлиғи ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Мана шунинг учун ўқувчи жисмоний машқлар; югуриш, ҳаракатли ўйинлар, спорт анъанавий турлари элементлари билан шуғулланишлари зарур. Ҳаракатланиш фаоллигини ошириш организмнинг барча асосий физиологик функцияларини фаоллаштиришга ёрдам беради, қон-томир ва нафас олиш системалари фаолияти кучаяди, моддалар алмашинуви ошади. Фаол мускулли фаолияти ва суяк мускули ҳамда бўғинлар аппарати ривожланишига ёрдам беради.

Ҳаракатлар координациясининг мувофиқлигини яхшилайти. Марказий асаб системасининг функцияларини такомиллаштиради. Ўқувчиларнинг нафас олиш фаолликларини оширишда, бутун йил давомида очик ҳавода ўтказиладиган жисмоний машқлар, югуриш, сакраш алоҳида аҳамиятга эга.

Бундай машғулотлар ўқувчи организми чиниқишига, соғломлаштирилишига шамоллаш касалликларига қаршилиқ қилишни амалга оширишга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Очиқ ҳавода жисмоний тарбия билан шуғулланган ўқувчилар тенгдошларига нисбатан 2-3 маротаба камроқ шамоллаш билан оғриганлар (3). Яқин йилларда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт", "Таълим тўғрисидаги", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича улкан ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Шу билан бир қаторда ўзини оқламаган ҳозиргача мавжуд бўлган аҳолини жисмоний тарбиялаш тизими, шу жумладан минтақавий этик шароитларни ва уларнинг анъаналарини ҳисобга олмаган мана шу тизимга асосланган ўқув юртлари учун жисмоний тарбия дастури олдимизда турган вазифаларни ҳал этишни таъминлай олмайди.

Демак, жисмоний тарбия тубдан қайта қурилишга муҳтож. Бундай қайта қуриш унинг моҳияти, мақсади, мазмуни ва ташкил этилишини қайта кўриб чиқишга асосланган бўлиши керак. Мактаб ёшидаги ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш – соғломлаштириш имкониятларидан фойдаланиб, ўқувчилар ёши ва жинсий хусусиятларини ҳисобга олиб услубий тўғри танлаб олинган жисмоний тарбия воситалари, шакллари ва услублари асосида ҳар бир мактаб муассасаларда қўлланилиши керак (концепция). Ўқувчини жисмоний тарбиялаш – бу осон иш эмас.

Ҳозирги кунда замонавий шароитларда болалар ва ўсмирларда ҳаракатга ҳаётий эҳтиёж катта эмас. Мактаб ёшидаги ўқувчилар кўп вақтни телевизор ва компьютер олдида ҳамда расм чизиш, топшириқларни бажариш, турли ҳикояларни тинглаш ва шу кабилар билан ўтказадилар.

Шуғулланувчилар ҳаракатланиш фаолиятларини фаоллаштириш учун барча ишларни бажарувчи жисмоний тарбия мутахассисига ўқувчилар

қизиқиб ишляптиларми, ҳар бир ўқувчи ўрганиш жараёни билан қамраб олинганми ёки ўқиш учун бефарқ қолдирадими, умуман қизиқмайдилар.

Кўп вақт давомида ҳаракатланиш ўйинлари ва ўйинли машқлар ўқувчиларга энг кўп ёқадиган машғулотлар бўлиб қолади. Бу машғулотни қизиқирли ва одатдан ташқари ўйинлар шаклида ўтказишга имкон беради. Амалиёт кўрсатишича, тезлик-куч сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган яхши танланган ва тўғри тузилган ўйин машқлари ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишларига фойдали таъсир кўрсатади. Уларга сюжетли машқлардан "Боғда сайр", "Югурувчи" ва "Сакровчи", "Ҳамма нарсани билувчи" ва шу каби ўйинли машқларни киритиш мумкин.

Шахснинг билимлар ва ишончи, қадриятли ва мотивацион – эҳтиёжни тизимлари доираси уни идрок этиш ва амалий фаолиятга ташкил этади ва йўналтиради. Жисмоний тарбияга фаол-ижобий муносабатини, жисмоний машқлар билан кундалик шуғулланишга шаклланган эҳтиёжини соғлом туризм ва жисмоний мукамалликка йўналганлигини кўрсатади.

Шахснинг жисмоний мукамаллиги унинг фаол яратувчилик, изтимоий-аҳамиятли фаолияти асосини ташкил этадиган жисмоний ривожланиш, психофизиологик ва жисмоний имкониятларини соғлиғи даражасини кўзда тутди.

Мактаб ёшидаги ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш муаммоси ушбу босқичда энг муҳим вазифалардан бири. Бу – инсонни такомиллашиши, мустаҳкам бўлиши ва келажакда сақланиб қолишини таъминловчи жисмоний соғлиғи ва маданий кўникмаларини шаклланишида инсон ҳаётининг муҳим даври ҳисобланади. айнан мана шунинг учун мактаб ёшидаги жисмоний тарбиянинг натижаси ўқувчи соғлиғи юксак даражаси ва бўлажак инсон жисмоний маданияти пойдеворини яратиш бўлиши керак ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчиларни жисмоний машқлар ва ўйинларга чиниқтирувчи амалларга ва табиатни соғломлаштиришкучлари таъсирига, шахсий гигиена қоидалари, кун тартибига амал қилишига эмоционал- ижобий муносабати.

- умумий ривожлантириш хусусиятига эга табиий ҳаракатлар мактаби бошланғич кўникмалари, мусиқий-ритмик билимдонлик асослари, гавдани тўғри тутиш, атрофда ўзини тутишни билиш, жамоали ҳаракатларда иштирок этиш (ўйинлар, рақслар, байрамларда), хулқи маданиятини, мустақиллик, уюшқоқлик, интизомлиликни намоён этишни билиш.

- ўз-ўзига хизмат кўрсатишни кўникмалари ва машғулотлар учун ускуна, мосламалардан фойдаланиш кўникмалари.

Бошланғич синфдаги ўқувчилар учун машғулотларда сафда юриш машқига асосий эътибор қаратилади. Бироқ ўқувчи учун бу ёшида югуриш, бақириб, чақириб сакраш жуда зарур.

Мактаб ёшидаги ўқувчиларни саф тортирадилар, статик машқларни ўргатадилар. Бу қайси фан йўлида амалга оширилишини ҳеч ҳам тушуниб бўлмайди. А. К. Ҳамроқулов ва Н. Х. Якубова (42) ўқувчилар хусусан, мактаб ёшидаги ўқувчилар соғлиғини куриқлаш масаласини ҳал этиш учун ўқувчиларни парваришлашни таъминлаш, етарлича овқат бериш, ўқувчилар тоза ҳавода бўлишларини таъминлаш керак. Ҳаракатлар ҳажмини ривожлантириш айниқса, катта аҳамиятга эга. Мана шу мақсадларда тоза ҳавода мустақил ўйинлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади: индивидуал ва жамоали ҳаракатли ўйинлар, жисмоний машқлар билан шуғулланиш.

Жисмоний тарбия бўйича машғулотлар мотивацион ва ўйин хусусиятига эга бўлиши керак. Бу ўқувчиларда олдиларига вазифалар қўйиш ва уларни ҳал этиш йўллари топишни билиш малакаларини шакллантиради. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари ўқувчининг соғлиғи даражаси ва жисмоний тайёргарлиги асосида қурилиши керак. Бу ишлар ўқувчиларни жисмоний ҳаракатларга ўргатиш жараёнини янада фаоллаштиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунинг учун бошланғич синф

ўқувчилари жисмоний тарбия бўйича ишлар турли хилдаги шакллари кенг киритиш зарур.

Айниқса, Ўзбекистон регионлари шароитларида, шу сабабли ижтимоий-иқтисодий қайта қуриш даврида ўқувчини жисмоний тарбиялашга янгича ёндашиш – одатий тасаввурлар доирасидан чиқувчи но анъанавий ёндашиш, ўқувчилик ёшидан бошлаб соғлом шахсни шакллантиришга алоҳида ёндашиш лозим.

1.2. Белбоғли кураш билан шуғулланувчиларнинг махсус жисмоний сифатларни ҳаракатли ўйинлар ёрдамида ривожлантириш масалалари

Ҳаракатли ўйинлар ўз мазмуни, моҳияти ва кенг қамровлиги билан турли ёшдаги болалар, ҳатто катта ёшдагилар ҳаётида доимо катта қизиқиш ўйғотиб келган. Ўйинларнинг устиворлиги ва универсаллиги шундан иборатки, уларни болалар ёши, жинси тайёргарлиги ҳамда ўйин ўтказиш жойи ва шарт-шароитига қараб мослаштириш, қоидаларини ўзгаритириш мумкин. Ўйинларнинг афзаллиги фақат шулар билан кифояланмайди. Улар ҳаётий зарур малакалари, кўникмалари, жисмоний сифатлар, рўзғор ишлари, касбий-ҳунар кўникмалари ва спорт малакаларини шакллантириш билан бир қаторда, зукколик, ростгўйлик, инсонпарварлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ҳамда диққат, хотира, хиссиёт, тасаввур, тафаккур, нутқ, талафуз ва бошқа шу каби фазилатларни чарҳлаш кучига эгадир.

Энг асосий, ҳаракатли ўйинлар, стандарт жисмоний машқлардан фарқли равишда бола органида «чуқур» жойлашган наслий хислат-қобилиятлар, ички туйғулар, кўринмайдиган истеъдод «учкун» ларини очилишига имкон яратади.

Маълумки, спорт тўғаракларининг бошланғич тайёргарлик гуруҳларига танлов ўтказишда, тайёргарлик турлари ривожланиши назорат қилишда, бир ўргатиш ўқув-тренировка йилидан иккинчисига

кўчиришда қўлланиладиган «кўчирув» ва «битирув» тест синовлари асосан болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини баҳолашга қаратилади. Аммо, замонавий курашда нафақат юксак ривожланган жисмоний сифатлар, балки шу сифатлар асосида ижро этиладиган мураккаб комбинацион малакалар самарадорлигини белгиловчи биопсихологик ҳислатлар (фикр юритиш, ҳис қилиш, идрок қилиш, диққатни жалб қилиш, хотира - эслаб қолиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш) ҳам ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Кўпчилик мутахассис - олимлар тадқиқотлар билан исбот қилинганки, айнан қайд этилган ҳислатлар ҳаракатли ўйинлар давомида ўта самарали шаклланиши мумкин экан (19, 24, 25,45.). Бундан шу нарса аниқ айтиш мумкинки, курашда сакраб ижро этиладиган зарба бериш, тўсиқ, қўйиш, тўп ўзатиш, тўп киритиш малакаларини бажариш вақтида вақт ва ораликни ҳис қилиш, ўз шериги ва рақиб ўйинчилар ҳолати ҳамда ҳаракатларини пайқаш, таҳлил қилиш, эслаб қолиш ва вазиятга мос самарали қарор қабул қилиш учун сакровчанлик ва сакараш чидамкорлиги кенг ихтисослашган, яхши ривожланган ва координацион жиҳатдан аниқбўлмоғи лозим.

Тўғри, сакровчанлик (вертикал сакраш, диагонал сакраш, енга ва орқагасакраш, сакраш тезлиги, сакраш чидамкорлиги) сифатларини оддий стандарт жисмоний машқлар, оғирликлар (қўл-оёқ ва белга боғланадиган кўрғошин пластинкалар), мосламалар ва тренажёрлар ёрдамида жадал ривожлантириш мумкин. Лекин, дастлабки тайёргарлик ва ўқув-машқ, гуруҳларида олиб бориладиган машғулотларда сакровчанлик сифатларини бундай ёндошув асосида ривожлантириш ёш болаларни зўриктириб қўйиши муқаррар, аввалом бор уларни бундай машқлар тез чарчатади, қизиқишни сўндиради, болалар фақат сакраш тўғрисида ўйлайдилар. Шунинг учун сакровчанлик сифатларини ривожлантиришда ўзига ҳос махсус ҳаракатли ўйинлар, ўйинсимон эстафеталардан фойдамланиш мақсадга мувофиқдир.

Ёш болаларда сакровчанлик сифатларини ҳаракатли ўйинлар ёрдамида ривожлантириш афзаллигига эътибор қаратиб, ўйин машқларини қандай сакраш кўникмаси ривожлантирилиши кераклигига қараб танлаш зарур деб таъкидлайди. Масалан, аник кўнишни ривожлантириш керак бўлса, «парашютистлар», бир вақтни ўзида бир гуруҳ болалар сакровчанлигини ривожлантиришда «қармоқча» ўйин машқни тавсия этади. Узунликка сакраш - бир-биридан узоқлаштириб чизилган белгиларга сакраш ўйини орқали ривожлантирилиши мумкин экан. «ким баландроқ», «ким узоқроқ», «ким аниқроқ» сакраш машқлари ҳам шулар жумласидандир.

Жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган ўйин машқларини, балки сакраш сифати турларини шакллантиришга мўлжалланган, якка жуфтликда гуруҳ бўлиб ва жамоа тартибида бажариладиган ҳаракат ўйинлар мазмуни ва моҳиятини очиб беришган.

Турли йўналишда (баландга, диагонал, узунликка, ёнга, орқага) сакраш кўникмасини шакллантирувчи кўпдпн-кўп машқлар аҳамиятини очиб беришган. Айниқса уларнинг «Тўсиқлардан ошиб ўтиш», «Айланчалардан сакраш», «Дўнгдан-дўнгача сакраш», «Кенгурулар», «Арғамчи билан сакраш», «Чамбарчак устидан сакраш», оёқларга қоп кийиб турли ўйинларни ўйнаш каби ҳаракатли ўйинлари сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги сифатларини ривожлантиришда жуда «қўл» келади.

Бошқа мутахассислар томонидан ҳам шу сифатларни ривожлантиришга мўлжалланган кўпдан-кўп ўйинлари мавжуд.

Ўйинлар аввало тўғри танланиши, болаларда ўртоқлари ёрдам, жамоатчилик, ватанпарварлик ҳисларини ижтимоий фойдали меҳнатга онгли мунособатни шаклланадиган ташкил қилиниши ва ўтказилиши керак.

Ўйинни тўғри танлаш ва мақсадга мувофиқ йусинда ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Аммо ўйин ҳамма вақт ким тарбиявий вазифаларни ҳал қилавермайди. Тарбия соҳасида яхши натижага эришиш

учун ҳарактли ўйинлар тарбиявий руҳда ташкил қилиниши ва ўтказилиши керак. Ўйин раҳбари болалар жамоасини яхши билиши, ҳар бир ўйиннинг мазмуни ва қоидалари билан муфассал танишиши, юксак педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шундагина у ҳаракатли ўйинлардан кўзланган таълимий ва тарбиявий мақсадларга эриша олади. (24, 38).

Болалар ўйин давомида ўз феъл-атвори ва шахсий хусусиятларини намоиш қиладилар. Бундан эса ўқитувчи уларнинг турли одатларини, салбий ва ижобий қилиқларини билиб олиши, тегишли тадбирларни белгилаши, ўйинни муайян йўналишга солиб, уларда софдиллик, мардлик, ўртоқлик сифатларини жамоадаги ўз бурчини ҳис қилишни тарбиялаши мумкин. Шу билан бирга, у болаларга ўйин қоидаларни бузмаган ҳолда ижодий ташаббус кўрсатишда ҳар жиҳатдан ёрдам беради.

Тренер ҳар бир ўйиннинг мазмуни, вазифаси ва қоидаларини тушунтириб беради. Бу эса уларга ўйинга онгли муносабатда бўлиш, уни тўғри ўрганиб олиш, ўз ҳатолари ва ютуқларини тўғри тушуниш ва ўз ҳаракатларини ўртоқларининг ҳаракатларига қиёслаб таҳлил қилиш имконини беради. Тренер ўйин ёки айрим машқларни ўрганишда кўр-кўрона тақлид қилавериши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Тренер ўргатадиган ва ёш курашчилар онгли равишда бажарадиган ҳаракатлар болаларда кўникамаларини тарбиялашда ёрдам бериши керак. Бунга ўйинни ўтказиш учун болалардан ҳакамлар ва уларнинг ёрдамчиларини тайёрлаш йўли билан эришилади. Тренер болалар билан ўтказиладиган ўйинлар биров муайян қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлишига, ўйин жараёнида бажариладиган ҳар бир вазифа амалга ошишига эришиши ва тўсиқлар қандай забт этилишига кўра мураккаблаштириб борилиши зарур. Бу иш болаларни меҳнатсеварликка ўргатади, улардаги ирода кучини орттириб боради.

Тренер ўйинни ўтказишга тайёргарлик кўришда унинг аниқ вазифаларини белгилаб чиқади, бу вазифалар болаларнинг ёшига мос, яъни улар бажара оладиган бўлиши керак.

Ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишда ёш курашчиларни иложи борича ташаббус кўсатиб, фаол қатнашишга рағбатлантириш жуда муҳимдир.

Болалар ижодий фаоллик кўрсатиб ўйнасалар, ўйинлар уларда ташкилотчилик малакасини ўстиради. Кўзланган мақсадга эришиш учун ўртоғига ёрдам бериш, ўз холича ёки ўртоқдари билан дарҳол бир қарорга келиш-ижодий ташаббускорлик ҳисобланади. Агар болалар ўйинни илгари ўзлаштирган бўлсалар, ўйин пайтида уларнинг фаоллиги янада ортиши мумкин. (19, 38).

Ўйин пайтида болаларнинг фаоллик кўрсатиши тренернинг ана шу ўйинни ўтказишга қандай тайёрланишига ҳам боғлиқ бўлади. Тренер ўзи ўйинни аниқ ва яққол тасаввур қилиш, ўйин пайтида ўйновчиларнинг ўзаро мунособатларини яхши тушуниши лозим.

Ўйинларни режалаштиришда уларнинг мазмуни ва ўзаро боғлиқлигини ҳам унутмаслик, муайян ёшдаги ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш вазифаларига мувофиқлигини ҳисобга олиш керак. Масалан, янги билим ва малакалар мавжуд билим ва малакаларга боғлаб берилиши лозим. Айтайлик, машғулотларда тўпни узатиш, илиб олиш, ўйнатиб олиб юриш ва саватга ташлашнинг асосий қоидалари ўрганилган бўлсин. Мана шунга оид билим ва малакаларни мустаҳкамлаш учун «Тўп онабошига» ўйинини ёки уч вариантли «Тўп ўйинлари» ни тавсия этиш мумкин. Шунингдек, бунда қатнашувчиларнинг ўсиш ва жисмоний тайёргарлик даражасига мос ўйинларни танлаш ва ўтказиш лозим. Ҳарбир ўйиннинг ўзига хос хусусиятлари ва қийинчиликлари бўлади. Шунинг учун ўйинни танлашда ундаги қийинчиликларни ўқувчилар бир оз куч сарфлаб енга олишларини назарда тутиш керак.

Тўсиқ ёки қийинчиликларни енгишига, яъни етарли даражада куч сарфлашга мажбур қилмайдиган ўйин болаларда ҳеч қандай қизиқиш ўйғотмайди. Лекин куч талаб қиладиган ўйин болаларнинг қўлидан келадиган бўлиши ҳам керак. Шундагина у болаларда ўз кучларига ишончни ҳосил қилади ва уларга ижобий таъсир кўрсатади. Жуда енгил ёки хаддан ташқари оғир ўйинлар ҳам қизиқарли ўтмайди.

1.3. Белбоғли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича машғулот юкламалари ҳажмларини қайд қилиш

Ҳозирги пайтда машғулот жараёнини муваффақиятли бошқарилиши дастурлаш билан боғлиқ. Машғулот жараёни тўғрисидаги сифат тасаввурларини аниқламай туриб ҳамда машғулотнинг асосий белгиларини миқдорий ифодалаш услубларини танламай туриб дастурлаш муаммоларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Кураш турида спорт маҳорати шаклланиши жараёнининг умумий қонуниятлари ҳамда хусусиятлари тўғрисида илмий-назарий билимларни талаб этади. Улар мақсадли вазифаларни олдинга қўйиш, йиллик циклда махсус жисмоний тайёргарлик мазмуни ва уни ташкил қилиш шакллари аниқлашга бўлган шарт-шароитлар сифатида қатнашади.

Шундай қилиб, жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда мезоцикл юкламаларини режалаштириш усулиятини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли вазифаларни қўйишга киришишдан олдин бундай машғулот юкламаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш жараёни қай тарзда амалга оширилишини аниқлаб олиш зарур. Ҳозирда юқори малакали спортчилар тайёргарлиги хусусиятларини, шунингдек, объектив зарурият ва кўп вақтнинг машғулот юкламаларини назорат қилишга сарфланишини эътиборга олиб, тезкор-куч ишини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил этишни алоҳида ажратиш ва мустақил

равишда кўриб чиқиш зарур. Кураш каби яккакураш турида ҳозирги замонда ҳатто юқори малакали курашчилар тайёрлаш амалиётида тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотлар ҳеч қаерда мустақил машғулотларга бўлинмайди. Бу нима? Онгли қарорми ёки камчиликми? Мамлакатимизнинг етакчи мураббийлари билан бўлган суҳбатлардан аниқланишича, бу қайсидир жиҳатдан камчиликдир. Уни имкон қадар тезроқ бартараф этиш зарур. Нимадан бошлаш зарур? Эҳтимол, тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотларни, машғулот кунининг мустақил қисми сифатида алоҳида машғулотга бўлиш керакдир. Бу ерда шуни эътиборга олиш жоизки, тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотлар айнан йиллик циклнинг базавий босқичлари учун тааллуқлидир. Чунки тайёргарликнинг бошқа босқичлари учун машғулотнинг ҳамма вақтини фақат тезкор-куч хусусиятидаги воситаларга бағишлаш хос эмас.

Жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришдаги мезоцикл юкламаларни бажаришда қандай назорат услубидан фойдаланиш кераклигини аниқлаб берувчи ягона қоида йўқ. Бундай машғулот юкламаларини назорат қилиш ва таҳлил этишнинг самарали воситаларини режалаштиришнинг оқилона шакллари излаб топиш олимлар ҳамда мураббийларнинг долзарб вазифасига айланади.

Спорт курашида кўпчилик муаллифлар (28,30) ҳамма машқларни учта гуруҳларга таснифлайдилар - мусобақа, махсус тайёргарлик ва умумий тайёргарлик. Савол туғиладики, жисмоний тайёргарлиги воситаларини қаерга киритиш мумкин? Бу ерда бир хил жавобнинг ўзи бўлиши мумкин эмас, чунки баъзи мутахассислар гуруҳларга ажратишда ўзларининг принципларига асосланадилар, ҳаммаси аҳамиятлилиқ асосида нима ётганлигига боғлиқ. Бизнингча, уларни умумий жисмоний тайёргарлик машқларига киритиш лозим, лекин улар махсус тезкор-куч машқлари (воситалари) деб номланиши зарур. Уларни махсус тайёргарлик машқлари, деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки, бизнингча, у ерда фақат гиламда шерик

билан бажариладиган машқлар киради. Шундай қилиб, қўлланиладиган машғулот воситаларининг умумий тузилмасидан тезкор-куч йўналишидаги машқларни ажратиб олиб, бу машғулот юкламаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқишга киришиш мумкин. Бунинг учун ҳисобга олиш тизимини турли хил мезонлар, жумладан, спорт курашида ҳозирга қадар қўлланилмаган мезонлар бўйича оптималлаштириш керак. Бунда мураббий тезкор-куч тайёргарлиги жараёнини шундай оптималлаштириши керакки, у бажариладиган иш мазмунини тўлиқ ёритиб берадиган ахборотни олиши зарур. Умуман, бу ерда тезкор-куч йўналишидаги машқларнинг ўзи (ҳамма зарур умумий маълум услубий тамойиллар билан) тадқиқот объекти сифатида қатнашади: оғирликлар вазни, бажарилиш сони, ёндашишлар, сериялар орасидаги дам олиш танаффуслари, машқнинг бажарилиш тезлиги ва ҳакозолар. Спортчи ҳаракатларининг турли-туманлиги унинг ташқи шароитлар ўзгаришига бўлган бир зумда, қатъий индивидуал реакцияси тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнини сон жиҳатдан таърифлаш ва оптимал ташкил қилиш мураккаблигини белгилаб беради. Бунинг оқибатида ушбу жараённи таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифалар бўш шаклланган ҳисобланади, бунда машғулот юкламаларини ҳисобга олиш тизими эса параметрларнинг ва тасодифий омилларнинг кўплиги туфайли мукаммал бўлмайди. Бундай тарздаги таҳлилни ҳатто аналитик услублар ёрдамида оптималлаштириш қийин. Чунки ҳозирга қадар спорт курашида тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотлар алоҳида мақсадли мустақил машғулотларга ажратилмаган эди. Тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнини қайд қилиш юзасидан яратилган баённома мисолида тезкор-куч тайёргарлиги жараёнининг умумий хусусиятларини кўриб чиқамиз. Ушбу ҳужжатга киритилган энг муҳим параметрлар қўйидагилардир: ЎМЙ (ўқув машғулот йиғини)ни ўтказиш жойи, машғулот санаси, вақти, машқлар (станциялар) номи, иш режими, машқлар ва айланалар орасидаги дам олиш танаффуслари, бажарилган

айланалар сони, станцияларда бажаришнинг марта сони, снаряддаги оғирлик вазни, айлана тугагандан сўнг охирги снарядда ишлаб бўлгандан кейин юрак қисқариш тезлиги ва эслатмалар. Эслатмаларда мураббий томонидан бажариладиган ишнинг индивидуал хусусиятлари белгилаб қўйилади. Шу ерда таъкидлаш жоизки, бундай баённома гуруҳли машғулотлар учун ишлаб чиқилган, лекин, агар мураббий ва спортчида бошқа спортчиларга ўхшамаган индивидуал машқлар (станциялар) бўлса, унда эслатмада унинг номини шартли равишда ёзиб қўйиш ва бажариладиган ишнинг тегишли ҳажмини киритиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир станция (машқ) бўйича маълумотларни киритиш жараёнида турли хил вазндаги оғирликларда ва иш режимида спортчиларнинг ушбу вазифадаги максимал натижаларини билиш лозим (буни дастлабки тестлаш натижасида олиш мумкин). Фақат шундан кейингина ҳисоб-китобларга, материалнинг кейинги таҳлилига киришиш мумкин.

Машғулот фаолияти жараёнини қайд қилиш, юқори малакали курашчилар тайёрлаш амалиётида қўлланиладиган ҳамма машғулот воситаларини ҳисоблаб чиқиш учун ахборотли параметрлар аниқлаб бўлингандан кейин машғулот юкламаларини ҳисобга олиш бўйича дастур ишлаб чиқишга ўтиш мумкин.

Техник вазифани тайёрлаш учун яна бир вазифани ҳал этиш лозим эди, усиз дастурни тузиб бўлмайди. Иш хусусиятини интеграл баҳолашга ёрдам берадиган у ёки бу физиологик ўзгаришлар кўринишидаги спортчилар организмнинг юкламага бўлган реакциясини педагогик воситалар ёрдамида қандай баҳолаш лозим? Машғулот юкламалари катталикларини баҳолашга бўлган ёндашув ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ спортчи организмнинг функционал ҳолатини ифодаловчи энг ахборотли ва интеграл кўрсаткич ЮҚТ ҳисобланади. У қандайдир даражада иш шиддатини ҳам акс эттиради. Курашда машғулот юкламасини баҳолаш учун ЮҚТнинг қайд қилинишидан фойдаланиш бажарилган иш ҳажмини объектив равишда аниқлаш имконини

беради. Бунда машғулот вақтини (дақиқа) ва муайян иш тури якунлангандан сўнг бажарилиш шиддатини 10 сония ичида ЮҚТ реакцияси бўйича қайд қилиш зарур.

II-БОБ. Тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, услуби ва ташкил қилиш.

2.1.Тадқиқот мақсад ва вазифалари

Тадқиқот мақсади: 13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёргарлик жараёнида сараланган юкламаларни қўллаш услубияти самарадорлик шакллари аниқлаш.

Тадқиқот вазифаси: 13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёргарлик жараёнида сараланган юкламаларни қўллаш услубияти ўрганиш.

2.2. Тадқиқот услублари

13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёргарлик жараёнида сараланган юкламаларни қўллаш услубияти аниқлаш бўйича қуйидаги услублардан фойдаланилди.

- Илмий услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш
- Педагогик кузатиш:
- Педагогик назорат синовлари
- тадқиқотни ўтказиш.
- анкета сўровлари ўтказиш
- Математик статистика услублари.

13-15 ёшли белбоғли курашчиларни тайёргарлик жараёнида сараланган юкламаларни қўллаш услубияти ўрганиш учун қуйидаги услублар қўлланилади:

1. Ҳажмни ошириш услуби
2. Шиддатни ошириш услуби
3. Ўзгарувчан услуб
4. Оралиқли услуб
5. Такрорлаш услуби

2.2.1. Илмий услубията адабиётларини ўрганиш ва таҳлил қилиш

